

Ўзбекистон Республикасида Адвокат Мақомини Янада Такмиллаштиришнинг Айрим Масалалари

Закирова Умида¹

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Адвокатура институти эса, ушбу сиёсатни амалга оширишнинг жуда муҳим бир қисми ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи ҳамда адвокатларнинг дахлсизлигини ва уларнинг эркин фаолият кўрсатишларини кафолатловчи ҳуқуқий-норматив мезон яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Конституциясида илк марта адвокатура институтига ҳуқуқий таъриф берилди. Хусусан, Конституциянинг 116-моддасига асосан, “Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади”.

Шундан сўнг, 1996 йил 27 декабрда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мантиқий давоми сифатида адвокатура институти фаолиятини тартибга соладиган махсус Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. 1998 йил 25 декабрда адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатнинг ижтимоий ҳимоясини етарли даражада ифода қилиш ва юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари зарурияти юзага келганлиги сабабли қисқа муддатда адвокатура соҳасига оид иккинчи Қонун “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мамлакатимизда олиб борилган изчил ислохотлар натижасида адвокатура фуқаролик жамияти институтлари қаторидан муносиб ўрин эгалади. Бироқ, шундай бўлсада ҳозиргача фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган адвокатура институти тубдан ислоҳ қилиш долзарб масалалигича қолмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 7 февраль 2017 йилдаги ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш, хусусан, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш талаби кўйилди. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилган ҳолда мамлакатимизда адвокат мақомини янада кучайтириш мақсадида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

¹ Тошкент Давлат Юридик Университети ўқитувчиси

I Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомига эга бўлиш учун талабгор шахсга қўйилган талабларни такомиллаштириш бўйича:

1. Маълумки, барча давлатларда адвокат бўлиш учун бир қанча талаблар қўйилган. Мазкур талаблардан бири бу адвокатнинг фуқаролиги масаласидир. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигидан (РФ, ГФР ва бошқалар) фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомига эга бўлиши мумкин.

Сўнги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоялар билан ишловчи корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар ташкил этилмоқда. Мазкур корхоналарнинг бошқа корхона, ташкилот ва муассасалар (мулкчилик шаклларида катъи назар), Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан низолари, бошқа корхоналар ўртасидаги ўзларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан низолар Ўзбекистон Республикаси судларида ва ҳакамлик судида кўриб чиқилади. Фикримизча, биринчидан, мазкур корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида чет эл фуқароларига ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш мақсадга мувофиқ хисобланади. Иккинчидан, мазкур ҳуқуқни чет эл фуқароларига ҳам бериш бу хорижий ва миллий адвокатларимиз ўртасида соғлом рақобатни ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасини қўйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ. “Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, **шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини яхши биладиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.** Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун шахс малака имтиҳонини топшириши шарт

2. Қонунчиликда давлат органлари ва корхона, муассаса, ташкилотларида **юридик мутахассислик бўйича уч йиллик стажга эга бўлган ходимлар**, лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли стажировка ўтамасдан иштираётган этиши ҳуқуқига эга эканлигини белгилаш, **юриспруденция мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикасида фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасига эга бўлган шахслар эса, стажировка ўтамасдан ва малака имтиҳонини топширмасдан адвокат мақомини олиши** мақсадга мувофиқ.

3. Германия қонунчилигига кўра адвокат бўлишга талабгор шахс ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларида 2 йил давомида стажировка ўтайди. Шу вақт ичида талабгор турли хил ҳуқуқий касбларни ўрганади: биринчи инстанция судларида, прокуратура органида, ижтимоий соҳаларда ва хоказо. Бундан ташқари, стажер фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ бўйича судьяларнинг, жиноят ҳуқуқи ва давлат хизмати бўйича прокурорларнинг машғулотларида иштираётган этиши лозим. Стажировка стажернинг суд тизимида зарур бўлган техник қўникмаларига яъни, ўз фикрини ва суд қарорларини

ёзишга урғу беради². Бизнинг қонунчиликда эса, адвокат мақомига эга бўлишга тайёрланаётган стажер стажировкани фақат адвокатлик тузилмаларининг бири (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар хайъати, юридик маслаҳатхона)да ўтайди. Фикримизча, стажер яъни, бўлажак адвокат ҳуқуқнинг турли хил соҳалари амалиётидан хабардор бўлиши унинг келгусида профессионал адвокат бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, қонунчиликда адвокат мақомига эга бўлишга тайёрланаётган стажер **стажировкани бошқа давлат органларида, жумладан суд, прокуратура органларида ҳам камида олти ойдан бир йилгача ўташи** мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

4. Фақат қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан адвокат мақомига эга бўлиш учун қўйилган чекловлар бўлиши, **эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан чекловлар қўйилмаслиги** мақсадга мувофиқ.

II Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомини янада такомиллаштириш бўйича:

1. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига янги б¹-модда. **“Адвокат сўрови” номли янги модда киритиш** мақсадга мувофиқ.

Маълумки, “Адвокатура тўғрисида”ги қонунга қўра, юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотнома, тавсифнома ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқи белгиланган. Бироқ, мазкур маълумотларни адвокат қандай тартибда ва муддатда олиши лозимлиги механизми қонунчиликда ёритилмаган. Бу эса, иш бўйича адвокат томонидан далилларни ўз вақтида тўплаш ва тегишли органга тақдим этиш масаласида бир қанча муаммоларни туғдиради. Фикримизча, судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича тегишли орган ва ташкилотларга юбориладиган расмий мурожаат – адвокат сўровининг мазмуни “Адвокатура тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топиши ва қуйидаги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ.

б¹-модда. Адвокат сўрови

Адвокат сўрови – юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа иш учун зарур ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш бўйича адвокатнинг ҳуқуқи.

Адвокат сўрови давлат тилида ёки бошқа тилларда берилиши мумкин.

Адвокат сўрови ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Электрон шаклда берилган адвокат сўрови қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Адвокат сўровида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

² Abel, Richard L., and Philip S. C. Lewis, editors *Lawyers in Society: An Overview*. Berkeley, Calif: University of California Press, c1995 1995. on page 100 <http://ark.cdlib.org/ark:/13030/ft8g5008f6/>

адвокат сўрови юборилаётган ташкилотнинг тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;

сўров юбораётган адвокатнинг фамилияси (исми, отасининг исми), лицензия рақами ва берилган вақти, адвокатлик тузилмасининг номи ва жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;

адвокат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)нинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар, шахснинг процессуал мақоми, берилган ордер ёки ишончноманинг рақами ёхуд шартнома тузилган вақт);

ҳужжат номи (адвокат сўрови);

адвокат сўровларини руйхатга олиш журналидаги рўйхатга олинган рақами;

юборилаётган адвокат сўровининг ҳуқуқий асоси;

сўралаётган маълумотнома, тавсифнома ҳамда бошқа иш учун зарур ҳужжатларни номини кўрсатиш, зарур ҳолларда маълумотларни сўраш ва олишга асослар;

адвокат сўровига илова қилинадиган ҳужжатлар;

адвокат сўрови юборилаётган сана;

адвокатнинг фамилияси (исми, отасининг исми) ва имзоси.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан адвокат сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юбориши шарт.

Адвокат сўрови давлат сирлари, тижорат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ўз ичига олиши мумкин бўлса, адвокат мазкур маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиши мумкин.

Адвокат сўровига жавоб тақдим этмаслик муддатларининг давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида кўрсатилган “ҳимоячи бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати билан ишгирок этиш ҳуқуқига эга” жумласини қуйидагича баён қилиш мақсадга мувофиқ. Яъни, “**ҳимоячи барча тергов ҳаракатлари юргизилаётганда ишгирок этиш ҳуқуқига эга**”.

3. Адвокатнинг Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида белгилаб қўйилган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни олиш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш, жумладан, **адвокатга экспертиза тайинлаш ҳуқуқини бериш** орқали адвокатнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 297-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкинлиги кўрсатилган. Фикримизча, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини адвокат томонидан ҳимоя қилишга киришиш вақти мазкур модда нормаси мазмунида чегаралаб қўйилган. Аниқроқ қилиб айтганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чораси сифатида шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш қўлланилгандагина адвокат ишда ишгирок

этиши мумкинлиги, ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш вақтида адвокатни ишгирок этиши мумкинлиги ёритилмаган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 297-моддасини қуйидагича таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни, “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у **хоҳиш билдирган пайтдан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин**”.

5. Адвокатлар анъанага кўра “одил судловнинг бир қисми” ҳисобланади. Бу нафақат судда вакиллик қилишни, балки юридик маслаҳатлар беришни ҳам ўз ичига олади³. Шу сабабли, адвокат фуқаролик суд ишларида ишгирок этганда ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этиши, вакилнинг ишонч билдирувчи шахснинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаши зарур. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига янги **“Вакилнинг фикри” номли 199¹-модда киритиш** мақсадга мувофиқ.

6. Қонунчиликда иқтисодий ва халқаро арбитраж судлари ишларида тадбиркорлик субъектларининг вакили сифатидаги профессионал фаолият билан **фақат тегишли тартибда лицензияга эга адвокат (вакил) ишгирок этиши мумкинлигини** белгилаш мақсадга мувофиқ.

7. Қонунчиликда адвокатнинг дахлсизлиги принципини унинг **яқин қариндошларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши лозимлигини** белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

8. Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ишида, фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ишгирок этиш ва қонун ижодкорлиги фаолиятида самарали ишгирок этиши учун **Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига қонунчилик ташаббусини бериш** мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида, адвокатура соҳасидаги бу ислохотлар адвокатура институтини янада эркинлаштириш, адвокатларнинг ўрни ва мақомини янада кучайтиришга қаратилган.

³ Abel, Richard L., and Philip S. C. Lewis, editors *Lawyers in Society: An Overview*. Berkeley, Calif: University of California Press, c1995 1995. <http://ark.cdlib.org/ark:/13030/ft8g5008f6/>